

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УМИРКУЛОВ БЕРДИЁР БАБАЕВИЧ

МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
economics sciences**

Умиркулов Бердиёр Бабаевич

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сифатини таъминлаш харажатлари ҳисобини
такомиллаштириш.....3

Умиркулов Бердиёр Бабаевич

Совершенствование учета затрат продукции (работ, услуг) по обеспечении
качеством.....27

Umirkulov Berdiyoy Babaevich

Improvement of accounting for production costs (works, services) for quality
assurance.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УМИРКУЛОВ БЕРДИЁР БАБАЕВИЧ

МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ибрагимов Абдугапур Каримович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пардаев Мамаюнус Каршибаевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ куни соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри А. Темур кўчаси 60 А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри А. Темур кўчаси 60 А уй. тел.: (99871) 234-53-34. факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг тобора юксалиб боришига назар ташласак, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборнинг ўта юқори бўлиши ва натижада экспорт ҳажми ўсганлигининг гувоҳи бўламиз. Биргина 2019 йилдаги статистик маълумотларга кўра: “дунё бўйича жами экспорт қилинган халқ истеъмоли товарларининг ҳажми АҚШда 11,2%, Японияда 9,8%, Россия Федерациясида 7,2%, Францияда 5,5%, Хитойда 5,4% ни ташкил этган”¹. Бундан ушбу мамлакатларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилиги ҳамда экспорт салоҳияти барқарор эканлиги кўринади. Масаланинг яна бир томони борки, маҳсулотнинг қанчалик сифатли бўлиши унга сарфланадиган қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Жаҳон миқёсида олиб қаралганда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС)да бундай харажатларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалаларига етарлича урғу берилмаганлиги боис, сифатни таъминлаш бўйича сарфланган қўшимча харажатлар умумий ҳолатда таннархда ўз аксини топиб келмоқда.

Жаҳон амалиётида етук иқтисодчи мутахассислар томонидан эътибор асосан хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот сифатини оширишга доир харажатларни ҳисобга олиш, шунингдек таҳлил ва аудит бўйича умумий масалаларга қаратилган ва ушбу масалаларнинг айрим томонларини такомиллаштиришга доир илмий ва услубий ишлар амалга оширилган. Улар томонидан маҳсулот сифатини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган бўлсада, аммо ҳозирги шароитда сифатни таъминлаш харажатларини таннархда алоҳида моддаларда акс эттириш, бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан олиб қаралганда бундай харажатларнинг счелтларда ўзаро боғланиши бўйича фикрлар қайд этилмаганлиги боис, буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруратини вужудга келтиради, шунингдек тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда бугунги кунда халқаро ISO стандартлари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар олдига “... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”² каби вазифалар қўйилди. Бу эса мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради. Табиийки бу ислохотлар бевосита маҳсулот сифатини оширишга хизмат қилади. Маҳсулот таннархига кирувчи сифат харажатларини ҳисобга олишнинг услубий асосларини тармоқлар бўйича, хусусан алкоголь

¹<https://www.ifac.org/publications-resources/accountability-now-blochure>

²“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 - сон Фармони 07.02.2017 й.//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзига хос ташкилий ва технологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда йўлга қўйиш ҳозирги куннинг муҳим ҳамда ечимини кутаётган муаммолари қаторига киради. Бу эса ўз-ўзидан сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 5 апрелдаги ПФ-5656-сон “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4162-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш, шунингдек унинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш борасида хорижлик иқтисодчи олимлардан С.В.Барамзин, В.С.Беляев, А.И.Глазунов, О.П.Глудкин, Джеймс Эванс, И.А.Егоров, С.Д.Ильенкова, С.Ю.Кричевский, М.И.Мазур, Б.А.Минин, В.М.Мишин, В.А.Москвин, П.П.Новиченко, В.В.Окрепилов, Н.Т.Пехтерева, И.Е.Прокопенко, И.П.Чепурной, С.Е.Шепетова ва бошқалар турли даврларда тадқиқот ишлари олиб борилган ва илмий асарлар яратилган.³

³С.В.Барамзин Мастеру о качестве продукции М.: “Машиностроение”, 1987. - 103 с.; В.С.Беляев Как управляют качеством М.: “Московский рабочий”, М.: 1987. 156 с.; А.И.Глазунов, И.Н. Царуну Технология вин и коньяков М.: «Агропромиздат», 1988. 236 с.; О.П.Глудкин, Н.М.Горбунов, А.И.Гуров, Ю.В.Зорин Всеобщее управление качеством М.: «Радио и связь», 1999. 593 с.; Джеймс Эванс Управление качеством (перевод с английского языка Э.М.Короткова) М.: «ЮНИТИ», 2017. 630 с.; И.А.Егоров, А.К.Родопуло Химия и биохимия коньячного производства М.: «Агропромиздат» 1989. 167 с.; С.Д.Ильенкова Управление качеством М.: ЮНИТИ», 2003. 330 с.; С.Ю.Кричевский Планирование качества продукции М.: “Экономика”, 1988. - 83 с.; И.И.Мазур, В.Д.Шапиро Управление качеством М.: ОМЕГА-Л, 2005. 399 с.; Б.А.Минин Качество – как его анализировать М.: “Финансы и статистика”, 1989. - 96 с.; В.М.Мишин Управление качеством учебник М.: «ЮНИТИ», 2008. 455 - с.; В.А.Москвин Управление качеством, сертификация курс лекций М.: «ЭКМОС», 2000. 317 с.; П.П.Новиченко, Т.Д.Попова Учет затрат на улучшение качества продукции М.: “Финансы и статистика”, 2016. 103 с.; В.В.Окрепилов Управление качеством М.: «Экономистъ», 2008. 639 с.; Н.Т.Пехтерева Экспертиза алкогольных напитков» Белгород «Кооперативные образование», 2014. 175 с.; И.Е.Прокопенко Управление эффективностью и качеством М.: издательства «Дело», 2011. 798 с.; И.П.Чепурной Товароведение и экспертиза вкусовых товаров учебник М.: 2005. 403 с.; С.Е.Шепетова Менеджмент и экономика качества М.: URSS, 2006. 485 с.

Сифатни яхшилаш билан боғлиқ харажатлар таҳлили, унинг ҳисоби ва аудити бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар билан бир қаторда мамлакатимиз етакчи олимлари Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов, Н.Д.Белый, Р.Д.Дусмуратов, А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, Р.О.Холбеков, А.Ш.Шоалимов, Д.С.Юсупова, С.И.Қодиров ва бошқалар томонидан ҳам турли соҳаларда сифат муаммолари таҳлил қилинган.⁴

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий ишланмалари хорижий амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, эътибор асосан хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот сифатини оширишга доир харажатларни ҳисобга олиш, шунингдек унинг таҳлил ва аудити бўйича умумий ҳолатларга қаратилган бўлиб, ушбу масалаларнинг айрим томонларини такомиллаштиришга доир илмий ва услубий ишлар амалга оширилган. Бироқ, юқорида санаб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида маҳсулот сифатини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган бўлсада, аммо ҳозирги шароитда сифатни таъминлаш харажатларини таннархда алоҳида акс эттириш ва унинг ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари етарлича таҳлил қилинмаган. Шу сабабли буларнинг барчаси ушбу мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулот сифатини таъминлаш харажатларини ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириш бўйича назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишда юзага келувчи сифат билан боғлиқ қўшимча харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг заруриятини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

сифатни таъминлаш харажатларининг турлари, уларнинг алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида шаклланишини ҳисобга

⁴Н.Ю.Жўраев, Б.Б.Умиркулов Кичик тадбиркорлик субъектлари бошқарув тизимининг ахборот таъминотини такомиллаштириш // Материалы Международной Конференции Ташкент, 2001. 209 с.; А.К.Ибрагимов Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш бўйича ёзилган докторлик диссертацияси автореферати. – Т.:ЎзР. БМА. 2002. 42 б.; Н.Д.Белый Качество продукции предприятий Узбекистана в современных условиях Т.: «НИИИТ», 1988. - 38 с.; Р.Д.Дусмуратов Аудит асослари дарслик Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2003. 607 б.; А.Каримов, Ж.Курбанбаев, С.Жуманазаров Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик /; - Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. 624 б.; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева Бошқарув ҳисоби Дарслик “Иқтисод-Молия”, 2019. 556 б.; Р.Холбеков Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш услубиёти ва тамойиллари ўқув қўлланма Т.: “ФАН”, 2014. 286 бет.; А.Шоалимов Саноат корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили ўқув қўлланма Т.: 2008. 296 бет.; Д.Юсупова, С.Қодиров Сертификациялаш, стандартлаш ва сифатни бошқариш ўқув қўлланма “ТТЕСИ”, 2006. 130 б.

олиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида сифат билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритиш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш учун халқаро ISO сифат стандартларига ўтиш бўйича амалий тавсиялар бериш;

сифат учун сарфланган харажатлар салмоғини аниқлаштириш мақсадида бундай харажатларни бухгалтерия ҳисобида қўшимча счетлар очиш орқали амалга ошириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

маҳсулот сифати учун сарфланадиган харажатларни тўғри ҳисобга олишни ташкил этиш мақсадида бундай харажатларни корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган намунавий ҳисоб сиёсатида акс эттириш бўйича тавсиялар бериш;

сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олишни ташкил этиш мақсадида бундай харажатларни бир бирлик маҳсулот учун тузиладиган калькуляция моддаларида алоҳида акс эттириш бўйича амалий таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг харажатлар таркиби, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳсулот сифатини таъминлаш харажатлари ҳисобида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда мантикий, иқтисодий, молиявий, киёсий таҳлил, тизимли ёндашув, гуруҳлаш, счетлар корреспонденцияси ва динамик қаторлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

маҳсулот сифатини таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар салмоғини таҳлил қилиш имкониятини яратишда харажатларни 6730 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланадиган иш ҳақи” ҳамда 6540 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ижтимоий тўловлар” ишчи счетларда ҳисобга олиш таклиф этилган;

бухгалтерия ҳисобида сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олишни ташкил этиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот калькуляциясида сифатни таъминлаш харажатларини алоҳида модда (пункт)ларда ажратилган ҳолда акс эттириш асосланган;

экспорт салоҳиятини ошириш учун халқаро ISO сифат стандартларига ўтишда юзага келувчи маҳсулотни лойиҳалаш харажатларини 9421 “Халқаро стандартларни жорий этиш харажатлари” ишчи сметида ҳисобга олиш таклиф этилган ва бу орқали маҳсулотни лойиҳалаш усуллари такомиллаштирилган;

корхона ҳисоб сиёсатида сифатни таъминлаш харажатларини ҳисобга олиш тизимини киритиш асосида сифатни назорат қилиш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳсулот сифатини таъминлаш учун сарфланадиган харажатларни ишчи

сметларда юришиш асосида харажатлар салмоғини таҳлил қилиш имконияти яратилган;

ишлаб чиқариладиган маҳсулот калькуляциясида сифатни таъминлаш харажатларини алоҳида модда (пункт)ларда ажратилган ҳолда акс этириши орқали бухгалтерия ҳисобида сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш тизими яратилган;

маҳсулотни лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш мақсадида экспорт салоҳиятини ошириш учун халқаро ISO сифат стандартларига ўтишда юзага келувчи маҳсулотни лойиҳалаш харажатларини давр харажатларига кирувчи ишчи сметида ҳисобга олиш таклиф этилган;

сифатни назорат қилиш тизимини тўғри йўлга қўйиш мақсадида сифат харажатларини корхона ҳисоб сиёсатида киритиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича маълумотлар расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги Республика метрология хизматлари кўрсатиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси, хўжалик юритувчи субъектларнинг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли акциядорлик жамиятлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларда сифатни таъминлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларда татбиқ этилиши сифатни таъминлаш бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишга, сифат назоратининг самарадорлигига эришиш, шунингдек субъектларда мақбул бошқарув қарорлари ишлаб чиқилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алкоголь ичимликлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида маҳсулот сифатини оширишда юзага келувчи харажатларни ҳисобга олиш ва унинг назоратини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

маҳсулот сифатини таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар салмоғини таҳлил қилиш имкониятини яратишда харажатларни 6730 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланадиган иш ҳақи” ҳамда 6540 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ижтимоий тўловлар” ишчи сметларда ҳисобга олиш бўйича таклифи “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 16 мартдаги 26-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 18 мартдаги

02/266-сон маълумотномаси). Натижада, ҳисобчи ходимлар томонидан сифатни таъминлаш харажатлари бўйича ҳисоб ишларини юритиш услуги ҳамда сифатни назорат қилиш тизими такомиллашган;

бухгалтерия ҳисобида сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олишни ташкил этиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот калькуляциясида сифатни таъминлаш харажатларини алоҳида модда (пункт)ларда ажратилган ҳолда акс эттириш бўйича таклифи “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 16 мартдаги 26-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 18 мартдаги 02/266-сон маълумотномаси). Натижада, чет эл инвестицияси иштирокидаги “Тошкентвино комбинати” АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги 26-сонли буйруғи асосида бухгалтерия ҳисобида сифатни таъминлаш харажатларини ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқилган ҳамда маҳсулотни лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш тизими такомиллашган;

экспорт салоҳиятини ошириш учун халқаро ISO сифат стандартларига ўтишда юзага келувчи маҳсулотни лойиҳалаш харажатларини 9421 “Халқаро стандартларни жорий этиш харажатлари” ишчи ҳисобида ҳисобга олиш бўйича таклифи “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 7 октябрдаги 98/б-буйруғи асосида маҳсулотларнинг оптимал сифатини таъминлаш меъёр ва шартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги 21-12-311-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилнинг 9 ойида маҳсулот экспорти ҳажми 226,7 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122,3% юқори кўрсаткичга эришилган;

корхона ҳисоб сиёсатига сифатни таъминлаш харажатларини ҳисобга олиш тизимини киритиш асосида сифатни назорат қилиш бўйича таклифи “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 7 октябрдаги 98/б-буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖнинг 2019 йил 10 октябрдаги 21-12-311-сон маълумотномаси). Натижада, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 15 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хўжалик юритувчи субъектларда сифат харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи боби сифат учун сарфланган харажатларни ҳисобга олишнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, бундай харажатларни ҳисобга олишнинг зарурияти, моҳияти ва истиқболлари ҳамда ушбу масалалар бўйича хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг турли даврларда нашр этилган илмий асарлари ўрганилган.

Сифат деганда маҳсулотга нисбатан қўйилган халқ эҳтиёжи талабларининг қондирилиш даражаси, маҳсулотнинг хосса ва хусусиятлари, ташқи кўриниши, ишлатилиш ёки истеъмол қилишдаги афзалликлари тушунилади. Сифат кўрсаткичлари эса сифатни шакллантирувчи элементлар ҳисобланади. Маҳсулотнинг сифати – унинг фалсафий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.

Бизга маълумки, маҳсулотнинг харидоргир бўлиши унинг сифатига боғлиқ бўлиб, сифат эса таннархнинг ажралмас элементи сифатида намоён бўлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини аниқлашда калькуляция муҳим омил ҳисобланади. Лекин, маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланган сифат харажатлари калькуляция моддасида алоҳида акс эттирилмайди. Шу сабабли ҳам маҳсулот сифати учун сарфланган харажатлар – маҳсулот таннархи ичида мавҳум ҳолатда қолаверади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган деярли барча ишлаб чиқариш корхоналарида сифат харажатлари алоҳида ҳисобга олинмасдан, аксарият ҳолатларда ишлаб чиқариш харажатлари тимсолида ва давр харажатлари таркибига қўшилган ҳолда юритилмоқда.

Фикримизча, маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат харажатларини яққолроқ кўриш мақсадида бундай харажатлар алоҳида – алоҳида яъни, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган давр харажатларига бўлинган ҳолда ҳисобга олиниши, шунингдек маҳсулот сифати корхонанинг келажагини белгиловчи асосий кўрсаткич эканлигини унутмаган ҳолда давр харажатлари таркибига кирувчи сифат билан боғлиқ харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритмаслик лозим деб ҳисоблаймиз.

“Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низомда белгиланишича, сифат билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар таркибига киритилган бўлсада, унинг ўзига хос хусусиятлари тўлиғича акс этмаган. Яъни, ишлаб чиқариш характерида эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хом ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлиши кўзда тутилган.⁵

Объект мисолида қаралаётган алкоголь ичимликлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида маҳсулот сифатини оширишда улар учун асосий хом ашё бўлмиш этил спирти (эталон)нинг аҳамияти катта. Агарда спирт белгиланган даражада тозаланган (филтрациядан ўтган) бўлса, у асосида тайёрланган маҳсулот сифати юқори бўлади.

Қуйидаги жадвалда истеъмол қилинадиган этил спиртининг хосса ва сифат кўрсаткичларини кўриб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Истеъмол учун мўлжалланган этил спиртининг органолептик сифат кўрсаткичлари⁶

Кўрсаткичлар номи	Тавсиф (хосса)и
Ташқи кўриниши	Зарарли кўшимча кислоталардан тозаланган тиниқ кўринишга эга бўлади
Ранги	Рангсиз суюқлик
Таъми ва ҳиди	Турли аралашмалардан тўлиқ тозаланган, ўткир ҳидга эга бўлган этил спирти

Истеъмол учун мўлжалланган этил спирти – буғдой ва бошқа дон хом ашёларидан, қанд месалласи ва қанд ишлаб чиқаришдаги маҳсулот қолдиқлари, қанд лавлагиси, узум каби углеводларга бой бўлган озукалардан олинади.

Бизнинг фикримизча, сифатни таъминлашда иштирок этувчи ишчи ва

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1.1.4 – банди 05.02.1999 й.

⁶Чепурной И.П. Товароведение и экспертиза вкусовых товаров. Учебник М.: 2005. - 403 с.

ходимларга ҳисобланадиган иш ҳақи, иш ҳақиға нисбатан ижтимоий тўловлар, хом ашё ва материалларга ишлов беришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши, сарфланадиган электр-энергия харажатлари, айрим тармоқларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг маълум сифат даражасига етиши учун сақлаш, қайта ишлаш ва синов харажатлари ҳам ушбу Низомда акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, алкоголь ичимликларни сурункасига кўп истеъмол қилиш инсон организми учун зарарли бўлиб, инсон организмида ижтимоий гигиеник муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боисдан, бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам олимлар томонидан инсон организмида истеъмол қилинадиган спирт босимини камайтириш мақсадида турли витаминларга бой бўлган ўсимлик хом ашёсидан замонавий технологиялар асосида истеъмол учун яроқли этил спиртини ишлаб чиқаришда изланишлар олиб борилмоқда.

Этил спирти асосий хом ашё ҳисобланган оддий ароқ тозаланган сув билан ректификатланган этил спирти аралашмасидан ҳосил бўлади. Ароқдаги сифат кўрсаткичларининг намоён бўлишини қуйидаги жадвалда кўриб ўтиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ароқнинг органолептик сифат кўрсаткичлари⁷

Кўрсаткичлар номи	Тавсифи
Ташқи кўриниши	Тоза, ялтироқ, тиниқ кўринишдаги суюқлик
Ранги	Рангсиз суюқлик
Таъми ва ҳиди	Оддий ароққа хос бўлган таъм ва ҳидга эга


Бизнинг фикримизча, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспортга чиқариш соҳасидаги ишларни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва шунинг билан биргаликда тадбиркорларга доимий равишда қулайлик ва имтиёзлар яратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда эса сифат борасида қатъий назорат тизимини жорий этиш керак бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини оширишда сифат учун сарфланган харажатлар ҳисобини юритишни тўғри йўлга қўйиш зарурлиги ва унинг корхонани бошқаришдаги ўрни алоҳида сезила бошлади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва ҳисобчи-бухгалтерлар олдида бухгалтерия ҳисоби тизимида сифат учун сарфланган харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда сифат бўйича

⁷Чепурной И.П. Товароведение и экспертиза вкусовых товаров. Учебник М.: 2005. - 403 с.

режали бошқарув тизимини яратиш каби вазифалар белгилаб олиниши зарур бўлади.

Бозор шароитида фақат сифатли маҳсулотгина рақобатда ютиб чиқа олади. Бу эса корхона самарадорлик кўрсаткичининг яққол ифодасидир. Бинобарин, бундай маҳсулотлар учун сарфланган сифат харажатларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу боисдан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати учун сарфланган харажатларни аниқ ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида, корхонанинг реал даромад кўриши маҳсулот реализациясига боғлиқ бўлиб, сифат харажатлари улуши ҳам реализация қилинган маҳсулот таннархида ўз аксини топганлиги боис, бундай харажатларнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Умумий тарзда алкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришнинг қисқа технологик схемасини қуйидаги чизма бўйича тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Алкоголь ичимликлар ишлаб чиқаришнинг қисқа технологик схемаси⁸

Саноат корхоналари томонидан яратилаётган маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархида сифат билан боғлиқ харажатларнинг шаклланишини тўғри ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Чунки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бajarилган иш ва хизматлар)нинг сифатлилиги ва харидоргир бўлиши корхоналар хўжалик фаолиятининг яхшиланишига ҳамда молиявий барқарорликка эришишларига олиб келади. Албатта бундай юқори самарадорликка эришишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ва хизматлар)га сарфланадиган харажатларнинг ортиб кетиши таннархнинг ошишига ва натижада якуний молиявий натижага салбий таъсир этишини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Шу боисдан, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, хом ашё ва материаллардан унумли фойдаланиш, яратилаётган маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган бошқа харажатларни чеклаш ҳамда уларнинг назоратини бухгалтерия ҳисоби орқали тартибга солиш талаб қилинади. Бинобарин, бундай харажатларни ҳисобга олишда уларнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда харажат объектлари ва моддалари бўйича шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида саноат корхоналарида сифат бўйича юзага келадиган харажатлар ҳисобининг

⁸Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

назарий ҳамда услубий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат харажатларининг салмоғи, сифат учун сарфланадиган маблағларнинг етарлилиги ва шу каби бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи тўпланган ахборотлар асосида корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек экспорт ҳажмини таҳлил қилиш каби вазифаларни ҳал этиш имкониятлари пайдо бўлади.

Биз ўйлаймизки, юқоридаги таклифлар ижобий амалга оширилса, сифат харажатлари бўйича молиявий таҳлилий ахборотларни тўплаш жумладан, юқорида таъкидланганидек, маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат харажатларининг салмоғи, сифат учун сарфланадиган маблағларнинг етарлилиги ва шу каби бошқа маълумотларни аниқлаштириш имкониятлари яратилади.

Диссертациянинг **“Хўжалик юритувчи субъектларда сифатни таъминлаш харажатларини ҳисобга олишнинг амалдаги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида сифат учун сарфланадиган харажатларни алоҳида ишчи счетларда ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилган. Шу йўл орқали сифат учун сарфланган харажатлар салмоғи алоҳида кўзга ташланиши асослаб берилган. Бунинг учун ҳозирда қўлланилаётган счетлар режасида қўшимча счетлар очиш керак бўлиши назарда тутилган бўлиб, янги киритиладиган ишчи счетлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда корхоналарда янги турдаги маҳсулотларни яратиш борасида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун келгусида режалаштирилган харажатлар 3110 “Келгуси давр харажатлари” сметида ҳисобга олиниб, 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” смети билан корреспонденциялашган ҳолда аста секинлик билан ҳисобдан чиқарилмоқда. Бизнингча, юқорида таъкидланган барча харажатлар бўйича аналитик ҳисобни юритиш ва сифат билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш учун ҳозирда қўлланилаётган счетлар режасига қўшимча ишчи счетлар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Масалан, маҳсулот сифати учун хизмат қиладиган асбоб-ускуналар эскиришини 0231 сметида аниқроғи, 2010 - “Асосий ишлаб чиқариш” скетининг дебети ва 0231 – “Сифат учун хизмат қилувчи асосий воситалар эскириши” скетининг кредитида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, сифатни таъминлашда асбоб ускуналарнинг хизмати маълум маънодаги сарф-харажатларни келтириб чиқаради.

Бухгалтерия ҳисобида ҳозиргача сифат харажатлари алоҳида ҳисобга олинмаган. Бу харажатлар маҳсулот таннархида ўз аксини топади. Уларнинг счетлар бўйича ўзаро боғлиқлигига назар ташласак, барча харажатлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счетларининг дебетига жамланади.

Алкоголь ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳам сифат учун сарфланган харажатлар ҳисобини юритишда деярли шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Мисол тариқасида “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати”

АЖ да 2019 йил давомида сотиб олинган этил спиртини ишлаб чиқаришга йўналтирилгунга қадар бўлган жараёни олиб қараймиз.

Ҳозирги шароитда режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ маҳсулот таннархининг таркиби ҳам ўзгарди. Республикамизда амал қилаётган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, маҳсулот таннархида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, шу жумладан сифат билан боғлиқ харажатлар ўз аксини топган. Маҳсулот таннархида кирувчи сифат билан боғлиқ харажатлар объектив ҳисобланмаса, бухгалтерлар томонидан корхона раҳбарияти, шунингдек бошқа фойдаланувчилар учун бундай харажатлар ҳақида маълумот бера олмайди.

Қуйидаги жадвалдан кўринадик, сотиб олинган этил спиртини ишлаб чиқаришга йўналтириш учун сифатни таъминлаш мақсадида кўшимча (46700,0+11675,0+2350,2+655,5)=61380,7 минг сўм сарфланган ва юқоридаги кўринишда бухгалтерия ёзувлари берилган. Ушбу бухгалтерия ёзувларидан (3-6 ҳолатлар назарда тутилмоқда) сифат учун сарфланган кўшимча харажатларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархида кўрамиз (3-жадвал).

3-жадвал

“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖда 2019 йил давомида сотиб олинган хом ашёни ишлаб чиқаришга йўналтириш бўйича бажарилган жараёнларнинг счетларда акс эттирилиши⁹ (минг сўмда)

Т/р	Дт	Кт	Сумма	Жараён номи
1.	1010	6010	246223,4	Сотиб олинган этил спирти
2.	2010	1010	231456,6	Йил давомида омбордан ишлаб чиқариш цехларига берилган спирт миқдори
3.	2010, 2310	6710	46700,0	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақи
4.	2010, 2310	6510	11675,0	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ижтимоий тўловлар
5.	2010, 2310	6010	2350,2	Хом ашёни сифат нормасига келтириш учун қайта текширувдан ўтказишга сарфланган электр энергия харажатлари
6.	2010, 2310	0210	655,5	Хом ашёни сифат нормасига келтириш учун қайта текширувдан ўтказиш жараёнида қатнашувчи асосий воситаларнинг эскириши

Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларга барҳам бериш учун сифатни таъминлаш харажатларини алоҳида счетларда ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, шу йўл орқали сифат учун сарфланган харажатлар салмоғи алоҳида кўзга ташланади. Бунинг учун ҳозирда қўлланилаётган

⁹Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сметлар режасига кўшимча сметларни киритиш керак бўлади яъни, юқоридаги жадвал маълумотларига асосланиб айтадиган бўлсак, 4 та ҳолат (3-6 ҳолатлар) да сифат билан боғлиқ жараёни кузатиш мумкин. Бизнингча, сифат билан боғлиқ харажатлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш учун аввало бу харажатларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган давр харажатларига ажратиш ҳамда бунинг учун биз таклиф этаётган қуйидаги ишчи сметларни амалда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

6730 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланадиган меҳнат ҳақи” (сметлар корреспонденциясида дебет 2011, 2311 кредит 6730);

6721 – “Маълум сабабларга кўра сифатни таъминлашда иштирок этувчи ишчи ва ходимлар томонидан ўз вақтида иш ҳақини ололмаган ҳолатдаги банкка қайтариладиган яъни, депонентга топшириладиган маблағлар” (сметлар корреспонденциясида дебет 6720 кредит 6721);

6540 – “Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари меҳнат ҳақиға нисбатан ҳисобланадиган ижтимоий тўловлар” (сметлар корреспонденциясида дебет 2011, 2311, 9421 кредит 6540);

6020 – “Маҳсулот сифатини ошириш учун сарфланган электр-энергия харажатлари” (сметлар корреспонденциясида дебет 2011, 2311 кредит 6020);

0231 – “Сифат билан боғлиқ бўлган асбоб-ускуналар эскириши” (сметлар корреспонденциясида дебет 2011, 2311 кредит 0231);

2011 – “Асосий ишлаб чиқаришдаги жами сифатни таъминлаш харажатлари (синовдан ўтказиш, қайта синовдан ўтказиш каби барча харажатлар)”;

2311 - “Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги жами сифат харажатлари”.

Юқоридаги сметлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган сифат харажатларини акс эттирса, қуйидаги ишчи сметлар ноишлаб чиқариш яъни, давр харажатларини ифодалайди.

4221 – “Сифат билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари (сифатни оширишни ўрганиш мақсадида маҳаллий ва хорижий компанияларга уюштириладиган хизмат сафарлари харажатлари)”;

9421 – “Сифат билан боғлиқ жами маъмурий харажатлар (сифат учун хизмат қилувчи маъмурий ходимларга ҳисобланадиган иш ҳақи ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар)” (сметлар корреспонденциясида дебет дебет 9421 кредит 6730, 6540).

Бу ҳолат қуйидаги жадвал бўйича ифодаланади (4-жадвал).

Биз таклиф этган юқоридаги сметларни амалиётда қўллаш мамлакатимиз ҳисобчилик тизимида ташланган муҳим қадам ҳисобланиб, бу орқали сифат билан боғлиқ харажатлар тўғрисида ички ва ташқи фойдаланувчиларга тўлиқ маълумотлар етказиш имконияти юзага келади. Бу эса ўз навбатида сифат учун сарфланган харажатларни қоплашда Давлат томонидан субъектларга молиявий кўмак бериш ёки сифатни ошириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш каби масалаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

4-жадвал

“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖда 2019 йил давомида сотиб олинган хом ашёни ишлаб чиқаришга йўналтириш бўйича бажарилган жараёнларнинг таклиф этилаётган счетларда акс эттирилиши¹⁰ (минг сўмда)

Т/р	Дт	Кт	Сумма	Жараён номи
1.	1010	6010	246223,4	Сотиб олинган этил спирти
2.	2010	1010	231456,6	Йил давомида омбордан ишлаб чиқариш цехларига берилган спирт миқдори
3.	2011, 2311	6730	46700,0	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақи
4.	2011, 2311	6540	11675,0	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ижтимоий тўловлар
5.	2011, 2311	6020	2350,2	Хом ашёни сифат нормасига келтириш учун қайта текширувдан ўтказишга сарфланган электр энергия харажатлари
6.	2011, 2311	0231	655,5	Хом ашёни сифат нормасига келтириш учун қайта текширувдан ўтказиш жараёнида қатнашувчи асосий воситаларнинг эскириши
7.	9421	6730	28500	Сифат учун хизмат қилувчи маъмурий ходимларга ҳисобланган иш ҳақи
8.	9421	6540	7125,0	Сифат учун хизмат қилувчи маъмурий ходимлар иш ҳақига нисбатан 25% ҳисобланган ижтимоий тўловлар
9.	9421	4221	0	Сифат билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари
10.	2010	2011, 2311	61380,7	Ой охиридаги 2011 счети қолдиғининг ёпилиши
11.	9420	9421	37775,5	Ой охиридаги 9421 счети қолдиғининг ёпилиши
12.	9910	9420	37775,5	Ой охиридаги 9420 счети қолдиғининг ёпилиши

Жадвал маълумотларидан кўринадики, сотиб олинган асосий хом ашё яъни, этил спиртидан маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини таъминлаш учун $(46700,0+11675,0+2350,2+655,5)=61380,7$ минг сўм миқдорида сарф харажатлар қилинган ва юқоридаги кўринишда бухгалтерия ёзувлари берилди. Ушбу бухгалтерия ёзувларидан сифат учун сарфланган қўшимча харажатларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархида кўрамиз. Яъни, 4 та ҳолат (3-6 ҳолатлар назарда тутилмоқда)да сифат харажатлари маҳсулот таннархига киритилганлигининг, 3 та ҳолат (7–9 ҳолатлар)да таннархга киритилмайдиган давр харажатлари (умумий ҳисобда 37775,5 минг сўм) бўйича берилган бухгалтерия ёзувларининг гувоҳи бўламиз. Бу ерда “Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖ да 2019 йил давомида сифат билан боғлиқ бўлган хизмат сафари ҳеч қаерга уюштирилмаганлиги сабабли таклиф этилган 4221 - “Сифат билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари” счети бу жараёнда қатнашмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу

¹⁰Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

боисдан, агарда шундай жараён бўлган тақдирда, таклиф этилган 9421 смети билан ўзаро корреспонденциялашган ҳолда яъни, дебет 9421 кредит 4221 бухгалтерия ёзувини бериш лозим бўлади. Бундан кўринадики, айнан сифат учун сарфланган харажатлар салмоғини аниқлаш учун янги таклиф этилаётган счетлар бўйича иш олиб бориш кифоя қилади.

Алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи ёрдамида тайёр маҳсулотни яратиш ва унинг сифат даражасини белгиланган стандартларга етказиш учун кўшимча харажатлар қилинади. Бундай харажатларнинг туб негизини янада теранроқ англашимиз учун сифатни таъминлашни тўғри режалаштириш лозим бўлади.

Агарда бу ҳолатни калькуляция тарзида олиб қарасак қуйидагича ҳолатни кўрамиз (5-жадвал).

5-жадвал

“Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати” АЖда 2019 йил давомида сотиб олинган хом ашёни ишлаб чиқаришга йўналтириш бўйича бажарилган жараёнларнинг калькуляцияда акс эттирилиши¹¹ (минг сўмда)

т/р	Харажат номи	ў.б.	миқдори	баҳоси	суммаси
1.	Ишлаб чиқаришга қабул қилинган иккиламчи фильтрациядан ўтган этил спирти	л.	6613	35000	231456,6
2.	Дистирланган сув	л.	9092.9	2800	2546,1
3.	Шакар аралашмаси	кг.	0,07	6200	434,0
4.	Бошқа кўшимча аралашмалар	кг.	0,03	12800	384,0
5.	Жами материал харажатлар	х	х	х	234820,7
6.	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақи	х	х	х	46700,0
7.	Сифатга алоқадор лаборатория ходимлари учун ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 25% ижтимоий тўловлар	х	х	х	11675,0
8.	Сифатни ошириш бўйича кўшимча сарфланган электр - энергия харажатлари	х	х	х	2350,2
9.	Сифатга алоқадор асосий воситаларнинг эскириши	х	х	х	655,5
10.	Жами сифат учун сарфланган харажатлар	х	х	х	61380,7
11.	Маҳсулот таннархи	х	х	х	296201,4

Бундан кўринадики, 6 дан 9 ҳолатгача бўлган жараёнлар айнан сифатга боғлиқ бўлиб, маҳсулот бирлиги учун калькуляцияда юқорида акс эттирилганидек алоҳида моддаларда кўрсатилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Тузилган бундай калькуляция натижалари асосда бухгалтерлар учун сифат билан боғлиқ харажатларнинг алоҳида счетларда бухгалтерия ёзувларини бериш имконияти яратилади.

Диссертациянинг учинчи боби “Сифатни таъминлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланиб, диссертация ишида олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар асосида сифат учун сарфланган харажатларни намунавий ҳисоб сиёсатида акс эттириш, сифатни таъминлашда стандартлаштириш, назорат, сифатни таъминлаш учун

¹¹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

истикболли режаларни тузиш, жавобгарлик марказларини жорий этиш, сифат билан боғлиқ харажатларни молиявий ва статистик ҳисоботларда акс эттириш ҳамда сифат харажатларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати учун сарфланадиган харажатларни аниқлаштириш юқорида таъкидланганидек муҳим масалалардан биридир. Бизнингча, корхоналар бундай харажатларнинг ҳажмини йил бошидан тахминий режалаштиришлари ҳамда намунавий ҳисоб сиёсатида акс эттиришлари зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, олдиндан режалаштирилган харажатлар корхона истикболини белгилашда муҳим рол ўйнайди.

Ҳисоб сиёсатининг иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинишига қарамадан, уларнинг барчасида бухгалтерия ҳисобининг стандартларида рухсат этилган муқобил усуллардан корхона фаолиятига мос келувчи усулини танлаши зарурлиги уқтирилади.¹²

Бизга маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш корхоналар ихтиёрига ўтди. Ҳисоб сиёсатида корхона томонидан йил давомида қилиниши зарур бўлган харажатлар акс эттирилади. Бизнингча, ҳисоб сиёсатида - сифат билан боғлиқ бўлган харажатлар жумладан, сифатни оширишда хизмат қилувчи асосий воситаларнинг эскириши, лаборатория ходимлари учун ҳисобланадиган меҳнат ҳақи ва ўз навбатида иш ҳақиға нисбатан ижтимоий тўловлар шунингдек, сотиб олинган хом ашёни қайта текширувдан ўтказишда юзага келувчи қўшимча харажатларни алоҳида акс эттириш зарур. Чунки, корхона ривожини учун маҳсулот сифати муҳимлигини эътиборга олиб, сифатнинг корхона истикболини белгилашдаги аҳамияти инобатга олинишини унутмаслик лозим. Нафақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланмай, балки уни экспортга йўналтириш ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга чиқариш учун бундай маҳсулотлар халқаро стандартларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим. Маҳсулотни аттестациядан ўтказиш жараёнида стандартлар тизими маҳсулотни объектив баҳолаш учун зарур бўлган сифат кўрсаткичлари рўйхатини ҳамда аттестациядан ўтказилиш тартибини белгилайди. Бу эса маҳсулотни аттестациядан ўтказишга сарфланадиган вақтни қисқартиради ва сифат категориялари бўйича маҳсулотни объектив баҳолашга хизмат қилади. Стандартлаштириш маҳсулотни сертификатлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сўз маҳсулотларни стандартлаштириш ҳақида кетар экан, шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган алкоголь ичимликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида Ўзбекистон Давлат стандартлари (O'z DST) жорий этилган. Мисол учун, ароқ ичимлигига O'z DST 945-2020, ликер-ароқ маҳсулотлари учун O'z DST 943-2020 ёки вино

¹²Абдуваҳидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:ЎзР Банк-молия академияси. 2005. – 23 б.

